

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ДУХОВНОГО  
ВОСПИТАНИЯ СТУДЕНТОВ**

**ACTUAL ISSUES OF DEVELOPMENT OF SPIRITUAL  
EDUCATION IN STUDENTS**

**Эргашов Умиджон Обиджонович** Фарғона политехника институти катта  
ўқитувчиси

**Эргашов Умиджон Обиджанович** Старший преподаватель Ферганского  
политехнического института

**Ergashov Umidjon Obidjonovich** is a senior teacher of Fergana Polytechnic  
Institute

**Аннотация:** Мақолада Маънавий етук, шахсий ва касбий аҳамиятга эга фазилатларни уйғун тарзда бирлаштирган, касбий фаолиятда ўзини англаш қобилиятига эга бўлган ўқувчини тарбиялашда маънавий соҳадаги ислохатлар ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** миллий ва диний қадриятлар, бағрикенглик, соғлом маънавий эҳтиёж, маънавий-маърифий тадбирлар, шахсий намуна, Баркамол инсон тарбияси, яхшилик, ўзликни англаш.

**Annotation:** In the article, reforms in the spiritual sphere are expressed in the education of a student who is spiritually mature, who harmoniously combines personal and professional qualities, who has the ability to realize himself in professional activity.

**Key words:** national and religious values, tolerance, healthy spiritual desire, spiritual and educational activities, personal example, perfect human education, goodness, self-awareness.

Соғлом маънавий эҳтиёж инсон қалбини нурга, яхшилик, эзгуликка тўлдирувчи, унинг ёмон иллатлардан ҳимоя қилувчи восита ҳисобланади. Соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантириш учун эса, мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишимиз лозим.

Мутафаккирларимиз жисмоний ўлимдан эмас, қалб ярасидан, ахлоқий қашшоқланишдан, ўзликни англашга эришмасликдан қўрқишган. Юнон файласуфи Сукрот ҳам ўзининг машҳур “ўзингни англа” деган фикри билан шунга ишора этган. Немис файласуфи Имманиэль Кант ёзганидек: “Агар барча одамлар эзгуликни мақсад қилиб олганларида, улар учун бурчнинг кераги бўлмас эди, чунки ҳеч ким ёвузлик томон қадам босмас эди”.

Жамият маънавий қиёфасини белгилашда, фуқаронинг соғлом маънавий эҳтиёжини шакллантиришда, шак-шубҳасиз, юқоридаги саволларга берилган жавоблар муҳим аҳамиятга эга. Фуқаро маънавий эҳтиёжини шакллантириш ўта мураккаб ва маълум вақтни талаб этади. Бунинг учун, энг аввало, шахсда ўзини-ўзи ривожлантиришга майиллик бўлиши лозим. Бу эса, кўпроқ оила, маҳалла, ўқиётган ёки ишлаётган билим юрти, муассаса, ташкилотдаги, умумий тарзда айтадиган бўлсак, жамиятдаги ўрнатилган ва ибрат масаласига боғлиқ.

Маънавий бузиқлик намунаси “садизм” ибораси француз ёзувчиси Маркиз де Сад (1740-1814 йиллар) садизмнинг маъно-моҳияти-жиноий бузиқлик, ёстикдошига жисмоний азоб етказилган тақдирдагина тўла-тўқис ҳузур қилиш, хаддан ташқари шавқатсизлик, бошқаларнинг азобланишидан ҳузурланиш демак. Таниқли адиб М.Шоханов таъкидлаганидек, де Сад асарларида тасвирланган маънавий қашшоқлик, ашаддий шавқатсизлик манзаралари фақат лаънатлашга лойиқ. Ўз онасини зўрлаган муртад, қизини ўзига ўйнаш тутиб, сўнг уни мурдасини овлоқ жойга элтиб ташлагунча ялаб-юлқаб борган восвос ота ҳақидаги парчаларни ўқишни ўзи ҳам азоб. Шундай булса-да, де Сад китобларини ўқишга муштоқ бўлган китобхонлар жуда кўп.

Соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантириш тўғрисида гапирамиз, унинг зарурлиги хусусида ўз мулохазаларимизни берамиз – бу тўғри. Аммо, яна шу ҳам маълумки, жаҳон амалиётида соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришнинг умумэтироф этилган ягона йўли йўқ. Бундай эҳтиёж, бир томондан миллатнинг миллий-маданий тарихий мероси, жамият фуқароларининг мазкур меросга бўлган муносабати натижасида шаклланса, бошқа томондан, давлатнинг миллий-маданий меросга, уни фуқаролар томонидан ўзлаштиришга бўлган муносабатига боғлиқ.

Шу маънода бизнинг жамият аъзолари ўртасида олиб борадиган ишларимиз, маънавий-маърифий тадбирларимиз ўз мақсад-муддаомизга етказяптими, улар соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришга хизмат қиляптими - буни аниқлаш жуда муҳим. Қолаверса, соғлом маънавий эҳтиёж фуқарода эркин тафаккур қилиш, фикрий мустақилликка эришишни таъманлайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: “Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда”.

Ижобий шахсий намуна - ўқувчилар шахсини шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллаши мумкин бўлган метод бўлиб, шахсга шахс орқали таъсир этишнинг энг объектив йўли ҳисобланади. Ёшлар балоғат ёшига етиб, мустақил ҳаётни бошлагунларига қадар билиш, ўрганиш жараёнида ўқитувчи-тарбиячига, ота-онага, қўни-қўшнига, дoston, драма ёки адабий асарлар қаҳрамонларига тақлид қилишади. Ўқувчилар ўзлари ёқтирадиган одамга тақлид қилиш натижасида ўзларини мағрур тутадилар, хатти-харакатлари худди катталарникидек туюлади. Я.Н.Коменскийнинг фикрича, «Бола ўқишни ўрганишдан олдин тақлид қилишни ўрганади». Тақлид қилиш орқали ёшларнинг ўз тажрибаси қўшилиб кетиб, уларда янги шахсий хислатлар пайдо бўла бошлайди.

Ўқувчилар қалби шаклланаётган қалб ҳисобланади. Бу қалб маънавий идеалларни устун кўради. Шу маънода “маънавий идеал” “Инсоннинг етуклик мезонидир”. Олимларнинг фикрича, маънавий идеал, охир оқибатда шахсда фуқаролик ҳиссининг умумдавлат даражасида шаклланишига олиб келади<sup>1</sup>.

Бошқача сўз билан айтканда, маргеналлик ҳолатида у ёки бу шахс “аросатда” қолиши мумкин. Жамият, оила, маҳалла таъсирдан “чиқиш эса маргеналлик ҳолатига тушган шахсда бепарволик, уқувсизлик, ижтимоий ҳаётдан бегоналашувни юзага келтиради. Бундай ҳолатга тушган шахснинг асосий “”хусусиятлари” жамият муаммоларига эътиборсизлик, суствлик, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларига дахлдорлик ҳиссининг сусайиши, беқарорликда кўринади. Бундайларнинг қалби шикастланган бўлади. Бундай шахснинг бошқалар таъсирига тушиш имкониятлари доимо юқори бўлади. Уларни қалбини эгаллашда катта қийинчилик сезилмайди. Бу – жамият ва миллат учун ўта хавфли. Шунинг учун ҳам бизнинг маънавий-маърифий фаолиятимиз айрим ёшларимизда мавжуд бўлган маргеналлик ҳолатини бартараф қилишга қаратилиши лозим. Баркамол инсон тарбияси алоҳида олинган, аниқ бир шахс тарбияси туфайли содир бўлади. Тарбияда аниқлик зарур. Агар биз тарбияланувчининг қалбини поклай олсак, унга инсонни севиш, ҳурмат қилиш, эъзозлаш уруғларини сепа олсак, шубҳасиз, биз жамиятнинг соғлом маънавий қиёфасини яратган бўламиз, зеро Шарқда доимо моддий оламдан руҳ оламига кўтарилиш, қалбни тозалаш инсоннинг комиллик сари ташланган қадами сифатида баҳоланган.

Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонни янгилашдаги асосий вазифа халқ маънавиятини юксалтириш эканлигини таъкидлайди. “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва юксалтириш, -

---

<sup>1</sup> Ионин Л.Г. Социология культуры. – М.: «Аспект», 2004 г., стр. 272.

деб кўрсатади у, - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир”.

Маънавий-ахлоқий ёндашувлар тарафдорларига А.Швейцер, Н.А.Бердяев, В.В.Розанов, Шри Ауробиндо, О.Шпенглер, Х.Ортега-и-Гассет, А.Печчеи, Ж.Фурастье, Г.Маркузе, Т.Адорно каби тадқиқотчиларни киритиш мумкин. Масалан, А.Швейцарнинг фикрига кўра, дунёдаги моддий ва маънавий олам ўртасидаги тўқнашувлар “фожиавий тус олган”. “Биз тўғри йўлдан оғдик, биз маданият деб аталган тақдиримиз, маънавийтимиз хақида ўйламай қўйдик. Бугун ҳеч ким маънавий ҳаётимиз компонентларини аниқлашга интилмай қўйган”. Европада юзага келган кризисни фалсафа, этика, маънавий қадриятларнинг “ҳаётни эозлаш” концепциясига мувофиқ ривожлантириш мумкин. Дунёни этикавий интеграциясидан воз кечмаслик; уни космик ва мистик талқин этмаслик; абстракт мушоҳадага берилмаслик орқали “инсоният борлиғи” ёки ҳаётни эозлаш принципи учун фидойилик кўрсатиб инсоний қадриятларга асосланган маданият ва этикага амал қилиб яшаш лозим.

Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий қадриятларни эслаш, ўзликни англаш ва тафаккурни ривожлантириш борасидаги ишлар юртимизда амалга оширилаётган оқилона сиёсатнинг изчил ва узвий давомидир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий соҳадаги ислохатлар ижтимоий тараққиёт жараёнида ўз ифодасини топмоқда. Бугун юртимизда ёшларни камолотга элтувчи қадриятларнинг қарор топиши учун барча имкониятлар мавжуд. Истиқлол даврида мулкчиликнинг турли шакллари ривож топиб тадбиркор, ишбилармон ва фермерларга кенг йўл очилди, фуқароларда касбга муҳаббат

ва мулкка эгалик туйғуси уйғонмоқда, бозор муносабатларига мос фаолият турлари ривожланиб, республикамиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

Маънавий етук, шахсий ва касбий аҳамиятга эга фазилатларни уйғун тарзда бирлаштирган, касбий фаолиятда ўзини англаш қобилиятига эга бўлган малакали мутахассисларни профессионал таълимга ёки замонавий касб-хунарга йўналтириш - бу замонавий олий касбий таълимнинг стратегик мақсади.

### Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқи ва эркинликлари олий қадрият. 14 том. Т.: “Ўзбекистон”, 2006. 67 бет.
2. Азизходжаева Н. Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. –Т.: 2000 йил, 78-бет.
3. Ильенков Э.В. Философии и культура . – М.: «Ипл», 1991 г., стр.204.
4. Ионин Л.Г. Социология культуры. – М.: «Аспект», 2004 г., стр. 272.
5. Эргашов У. О., Нуриддинов М. А. История развития электронного правительства //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 212-215.
6. Эргашов У. О. Янги ўзбекистон шароитида таълим-тарбия жараёнини умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида шакллантириш механизмлари //ijtimoiy-gumanitar fanlarning zamonaviy yondashuvlari. – 2022. – Т. 1. – С. 93-97.
7. Эргашов У. О., Нуриддинов М. А. Роль духовно-просветительской деятельности в повышении политической и правовой грамотности молодежи //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 44-48.
8. Эргашов У. О., Мамасиддиқов А. А. Отношение царской россии к школам джадидов //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 122.
9. Эргашев У. О., Мирзаев А. А. Содержание повышения позитивных изменений в духовном мировоззрения молодежи в
10. Azimjonovich R. I. Establishment of the ministry of community and family support is an important step in self-government //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – Т. 163.